



ТОШКЕНТ

2019 ЙИЛ 30 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 204 (14.051)

Баҳоси эркин нарҳда

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИДА ТУБ БУРИЛИШ ДАВРИ БОШЛАНМОҚДА

Аввал хабар қилинганидек, Шавкат Мирзиёев президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ юртимизда кадрлар муаммоси борлигини қайд этган эди. Кўп ўтмай бу масалани таг заминдан ўрганиш ва ҳал этиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида кенг кўламли ислохотлар бошланди.

Аввало, мактабгача таълим тизими ривожлантирилиб, пойдевор мустаҳкамланди. Ўқув даргоҳларига, педагогларга эътибор кучайди. Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар бўлди. Бу тизимларни 2030 йилгача ривожлантириш бўйича концепциялар ишлаб чиқилди.

Билимни болаларни аниқлаб, чуқурлаштирилган тарзда ўқитиш, талаб юқори бўлган соҳаларга йўналтириш мақсадида ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 сентябрдаги қарорига мувофиқ ташкил этилган Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб шундай таълим масканларидан биридир.

Маълумки, VIII-IX асрларда яшаб ижод этган улўғ аллома Мухаммад ал-Хоразмий математика, геометрия, астрономия, тарих, география ва бошқа фанларга доир кўплаб рисолалар ёзган. У "ноль" рақамини ва ўнлик санок тизimini ҳамда кўптар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган ва амалиётга татбиқ этган. Мухаммад ал-Хоразмий алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган, илмий маълумот ва трактатларни баён этишнинг аниқ қоидаларини ишлаб чиққан.

Ўнлик санок тизими, алгебра ва алгоритмлаштириш йўналишларида дунё илм-фани ривожига хизматлари умумэтироф этилган Шарк олимлари орасида фақат Мухаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи илмий давраларда фаол қўлаб келинаётган "алгоритм" ва "алгебра" каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Бугунги кунда юқори технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида бажарилаётган барча ҳисоблаш амалларига буюк олим Мухаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ўтган йили мазкур мактаб қурилишига доир лойиҳалар билан танишган эди. Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ушбу замонавий даргоҳ фойдаланишга топширилди. Президент Шавкат Мирзиёев 27 декабрь кунги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириш ўқитишга ихтисослаштирилган ушбу билим муассасаси билан танишди.

Мактабда кенг шароитлар, фан кабинетларидан ташқари дарслар ҳамда факультатив маҳсулотлари инновацион усулларда ўқиш учун қўшимча имкониятлар яратилган. Artel, UCell, ZTE ва Huawei компанияларининг махсус синфлари очилган.

Шавкат Мирзиёев ушбу синфлар, бу ердаги шароит, асбоб-ускуналар билан танишиди, ўқитувчи ва ўқувчилар билан суҳбатлашди.

Хамма ишларимиз, ислохотларимиз Ўзбекистоннинг эртанги кунини учун. Келажакимиз замани эса – сиз, ёшлар. Кўзларингиздан кўриб турибман: сизлар билимни, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишасизлар. Бунинг учун ҳамма шароитларни яратиб берамиз, – деди Президент.

Мутасаддиларга шу каби илгор бинолар андозаси асосида мактабларнинг қурилиш лойиҳаларини ўзгартариш, методологияни мустаҳкамлаш орқали таълим сифатини ошириш бўйича топшириқлар берилди.

Ал-Хоразмий бобомизнинг тафаккурига дунё ҳамон қойил қолади. Бугунги технологиялар, дастурий маҳсулотларга у яратган алгоритм асос бўлган. Сиз бундан фахрланишингиз, буюк аждодимиздек кунт билан ўқиб, доим изланишингиз керак, – деди давлатимиз раҳбари ёшларга қарата.

Мактабда ўқувчилар замонавий мобил ва компьютер дастурларини ўрганиши, ўз устида ишлаб, таҳрибга ошириши учун робототехника ва электроника хоналари, инновацион ва виртуал лабораториялар ташкил этилган.

Президент ушбу билим даргоҳида Мирзо Улўғбек туманидаги IT-парк бўлинишини ташкил этиш, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам шундай марказлар очиб, бу соҳага қизиққан ёшларга кенг шароитлар яратиш зарурлигини таъкидлади.

Ахборот-коммуникация технологияларини яхши билган бола кўчада бекор юрмайди, нима биландир машғул бўлади. Ёшларимизни шундай билимли мутахассислар этиб тарбияласак, оиласига, давлатга нафи тегади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Жорий йилда мактабнинг 5-11 синфларида 680 нафар ўқувчи математика ва чет тили синфлари асосида қабул қилинди. Педагогик жамоага Буюк Британия, Жанубий Корея ва Хиндистондан ўқитувчилар жалб этилган.

Шундан сўнг Президентимиз Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактаб конференц-залида ёшлар билан учрашув ўтказди.

Йиғилишни видеоконференцлоқа шаклида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ёшлар, мутасадди раҳбарлар кузатиб борди.

Кейинги йилларда Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, Ёшлар масалалари бўйича республика идораларо кенгаши тузилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь Ёшлар кунини этиб белгиланди. Хозирда Иттифоққа аъзо бўлган ёшлар сони 7 миллион 690 минг.

Бугунги кунда барча соҳаларда билимни, сиёсий ва ижтимоий фаол, халқ манфаатини ўз шахсий манфаатидан устун қўядиган, ҳалол ва жонқуяр ёш раҳбарларга эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Дунёқараши кенг, креатив фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қила оладиган ёшлар масъулиятли вазифаларга тайинланапти.

Жойларда 8 нафар ёш авлод вакиллари ҳоким ўринбосари этиб тайинланган. Яқинда бўлиб ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 9 нафар йигит-қиз сайланган, маҳаллий кенгашларда галаба қозонганларнинг қарийб 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

Бундан ташқари, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатиб, мамлакатимизнинг халқро обрў-эътиборини юксалтиришга ҳисса қўшаётган 84 нафар ёшлар "Мард ўғлон" давлат мукофоти ва "Келажак бунёдкори" медални билан тақдирланган.

Ёшлар орасида "Мен Сизнинг ёнингизда туриб, камарбаста бўламан!" деб кўзи ёниб турган, билимли, жасоратли йигит-қизлар борлигига ишонаман. Етакчиликнинг, ўз ортидан эргаштиришининг энг тўғри йўли шахсий ўрнак ва намуна бўлишидир, – деди Президент.

Учрашувда ёшлар ҳаётидаги муаммолар, долзарб вазифалар муҳожама қилинди. Юртимизда ёш раҳбарларни саралайдиган, уларнинг лаёқатига мос лавозимларни тақлиф этадиган самарали механизм мавжуд эмаслиги қайд этилди.

Раҳбарлик лавозимларига ҳар томонлама муносиб, ташаббуслор, менга таянч ва сўянч бўла оладиган ёшларни жамлайдиган "Ватан ифтихорлари" институтини жорий этсак, сизлар нима дейсизлар, – деди давлатимиз раҳбари. – Бу институтининг асосий вазифаси ис-

лохотларимиз ва катта режаларимизни ёшларга етказиш, жойлардаги муаммоларни кўтариш ва уларни ҳал қилишдан иборат бўлади.

Глобаллашув шароитидаги хавф-хатарлар ва мафкуравий хуружлар ҳақида сўз борар экан, Президент маърифатпарвар бобомиз Фитратнинг "Бу дунё қураш майдонидир. Соғлом тан, ўткир ақл ва яхши ахлоқ бу майдон қуролидир", деган сўзларини ёдга олди.

Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва бошқа раҳбарлар ёшлар сиёсати масаласига эътиборни янада ошириши лозимлиги қайд этилди. Жумладан, жамиятда ёшларнинг роли ва обрўсини кўтариш, уларга қулай шароит яратиш, ёшлар ташкилотлари орқали ёш авлод муаммолари ичига чуқурроқ кириш ва уларни ҳал этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳар бир ҳоким, туман ёки вилоят ҳокими бўлишидан қатъи назар, сизлар раҳбарлари билан биргаликда ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб олмас экан, жойларда бу борадаги ишларимизнинг натижаси самарали бўлмайди, – деди Президентимиз.

Аввало, "Ҳоким ва ёшлар" учрашувлари тажрибасини давом эттириб, ҳар ҳафтанинг бир кунини Ёшлар масалаларини ечиш кунини, ҳар 15 кунда икки кунни фақат ёшлар билан ишлаш кунини этиб белгилаш лозимлиги таъкидланди.

Ҳокимлар ва мутасадди раҳбарлар ёшларнинг муаммолари билан танишиб, ҳар ойда бир марта маҳаллий кенгашлар сессияларида уларни муҳожама қилиши, халқ вакилларига ҳисоб бериши зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддилар ёшларнинг бандлиги, уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олишга ва касб ўрганишга бўлган талабини доимо ўрганиб, ечим топиши керак. Ёшлар муружатларини қайд этиш ва таҳлилини юритиш масалаларига алоҳида эътибор бериб, аниқ чоралар кўриши шарт.

Учрашувда Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббуснинг ҳар бири йўналишини туман ва шаҳарларда тизимли амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди.

Ўтган йили мамлакатимизда буюк аллома Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Ёш математика халқро олимпиадаси муваффақиятли ўтказилган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу тажриба асосида физика бўйича Аҳмад Фаргоний, кимё фани бўйича Абу Райҳон Беруний, биология бўйича Абу Али ибн Сино, астрономия бўйича Мирзо Улўғбек номларидagi халқро фан олимпиадалари ташкил этиш тақлифини илгари сурди.

Ёшлар иттифоқи негизда Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этиш ташаббуси йиғилганлар томонидан қўлаб-қувватланди.

Ёшлар аудиториясига йўналтирилган теле-ва радиоканаллар, босма нашрларни бирлаштириб, "Ёшлар медиа холдинги" ташкил этиш тақлифи ҳам билдирилди.

Янги Ўзбекистонни албатта, ёшлар билан бирга қураемиз. 2020 йил ёшларга оид давлат сиёсатида туб бурилиш йили бўлади, – деди Президент.

Очик мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Давлатимиз раҳбари уларнинг тақлифлари бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди.

ИННОВАЦИОН МУҲИМ ЛОЙИҲАЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ислохотлар, амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ва қуриб битказилган янги sanoat мажмуалари билан танишиш мақсадида 28 декабрь кунини ушбу вилоятга ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари "Навоийазот" акциядорлик жамиятида поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси очилишига бағишланган тантанали маросимда иштирок этди.

Президентимиз йиғилганларни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан табриклаб, ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқишига ҳисса қўшган қурувчи ва кимёгарларга ҳамда чет эллик ҳамкорларга миннатдорлик билдирди.

Бундай муҳим, замонавий ва инновацион лойиҳалар Навоий вилояти иқтисодиёти ва унинг "локомотиви" бўлган sanoat соҳасини янгилаш, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли ва бюджет даромадларини жадал оширишга хизмат қилади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Кейинги йилларда эртанги кунни ўйлаб қабул қилинган истиқболли режалар самарасида Навоий жадал янгилини бораётган илгор вилоятлар қаторидан жой олди. Бунини аниқ рақамлар ҳам аққол тасдиқлайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган sanoat маҳсулотларининг 10 фоизи айнан Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади. Вилоят аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ҳудудий маҳсулот, инвестиция, sanoat ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлар бўйича мамлакатда биринчи ўринни эгаллайди. Шизматлар ва чакана савдо бўйича пойтахтимиздан кейин иккинчи ўринда туради.

Вилоятда жорий йилда умумий қиймати қарийб 1,4 миллиард доллар бўлган 7 та давлат аҳамиятига эга ва 360 та ҳудудий инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилди. Хусусан, ишга туширилган ва амалга оширилаётган йирик лойиҳалар орасида "Навоийазот" акциядорлик жамиятининг 1,7 миллиард долларлик 3 та лойиҳаси алоҳида ўрин тутди.

Ушбу лойиҳаларнинг биринчи – поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасининг очилиши мамлакатимизда мазкур турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжни таъминлашда муҳим қадам бўлди.

Мажмуани барпо этиш, энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлашга 500 миллион доллар инвестиция сарфланди. Бу ерда йилига 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилади.

Бу маҳсулотларга автомобилсозлик, тўқимачилик, металлургия, кимё, нефть-газ тармоқлари, электр техникаси ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда, айниқса, талаб юқори. Улар шу пайтгача катта валюта эвазига импорт қилинар эди. Жорий йил-

нинг январь – ноябрь ойларида қиймати 86 миллион 400 минг долларлик қарийб 90 минг тонна поливинилхлорид импорт қилинган. Янги корхона ишга туширилган, энди шунча маблағ ўзимизда қолади.

Поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуаси юртимиз корхоналарини зарур хом ашё билан таъминлайди. Шунингдек, ҳар йили 40 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Янги мажмуада 900 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Ушбу лойиҳа Хитойнинг "China CAMC Engineering Co., LTD" ва "HQC Shanghai Company" компаниялар консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди.

"Навоийазот"да яқин вақт ичида қиймати 217 миллион доллар бўлган янги замонавий азот қислотаси ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича иккинчи лойиҳа якунланди.

Давлатимиз раҳбари "Навоийазот" акциядорлик жамиятидаги учта йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш осон бўлмаганини қайд этди. – Ҳар қанча қийин бўлмасин, катта марраларни мақсад қилиб қўйиб, ташаббус кўрсатиб, фидойилик билан меҳнат қилсак, албатта, уларга эришамиз, – деди Президент.

Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятининг салоҳияти бундан-да юқори экани, уларни ишга солиш учун зарур шароит ва мутахассислар етарли эканини қайд этди.

Сахро бағрида Навоий ва Зарафшон каби шаҳарларни, sanoat минтақасини барпо этган вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва олижаноб аҳолиси янги Ўзбекистон ривожига катта ҳисса қўшишига ишонаман, – деди давлатимиз раҳбари.

Президент раҳмий тугмани босиб, корхонани ишга туширди.

Маросимда "China CAMC Engineering Co., LTD" инжиниринг корпорацияси раҳбари Мадия Сабитова ва бошқаруви Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ишга туширилган мазкур янги мажмуа мамлакатимиз sanoatини ривожлантиришда улкан иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга эга бўлишини таъкидлади.

Президентимиз "Навоийазот" акциядорлик жамиятида барпо этилаётган аммиак ва карбамид ҳамда азот қислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини кўздан кечирди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги кабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

«Узсанотқурилишматериаллари» уюшмаси Термиз шаҳридаги "Surxon KSP-Grand" масъулиятли чекланган жамиятига пресс-тур ташкил этди. Пресс-тур иштирокчилари корхона цехларида бўлиб, қамиш қириндисидан маҳсулот ишлаб чиқаришга бўлган жараён билан яқиндан танишди. Сифатини ўрганди. Тайёр материални силлиқлаб, ламинациялаш усулларини кузатди. Ишчилар билан суҳбатлашди.

Наманган шаҳридаги "Шодиёна" тантаналар мажмуасида катта байрам тадбири бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг 2019 йил соҳнасида ўзининг профессионал фаолияти, эришган ютуқлари билан муносиб из қолдирган спортчилар, уларнинг мураббийлари, санъаткорлар, маданият ходимлари, тегишли соҳалар бўйича таълим муассасалари раҳбар ва ўқитувчилари, журналистлар ҳамда блогерлар иштирок этди.

Янги йил байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқўл туманида қатор янги объектлар фойдаланишга топширилди. Туман марказида "Kamilaخان textil invest" масъулиятли чекланган жамияти ишга туширилиши баробарида 40 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланди. Шунингдек, тумандаги "Маданият" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ноғиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини туликсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 10 нафар аёлга уй-жой топширилди. Шу кунини туман Маданият марказининг ҳам янги биноси фойдаланишга топширилди. Мазкур мадани-

ят марказида 180 ўринга мўлжалланган томошабинлар зали, бешта тўғрақ хонаси мавжуд бўлиб, улар зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Термиз шаҳрида 14-давлат мактабгача таълим муассасасининг замонавий усулда бунёд этилган янги биноси фойдаланишга топширилди. Уни барпо этиш учун 4 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланди, барча шароитлар яратилди. Эндликда бу ерда болажонлар учун барча замонавий қулайликлар бор. Кенг, шинам ётоқхона, ошхона, машғулотлар хоналари болаларро мебель жиҳозлари, ранг-баранг ўйинчоқлар ва кўргазмалли қуроллар билан таъминланган. Ҳовлида болажонлар учун ёзги ўйин майдони барпо этилиб, замонавий усулда жиҳозланган.

ЖАҲОНДА

Антарктидадаги Хат-Пойнт яриморолдан ичиде қизил пиёзи бўлган ва тахминан юз йилдан ортиқ вақт давомида сақланиб келаётган қоз топилди. Топилма 1902 йилда британиялик кўтб тадқиқотчиси

Роберт Скотт томонидан қурилган "Discovery" (Кашфиёт) кулбасидан топилган. Мутахассислар мавсумий мониторинг дастури доирасида ушбу пилларни ўрганишди. Таъкидланишича, пиллар эскирган ва улардан бирон бир моғор изи топилмаган.

Кейинги пайтларда АҚШнинг "Boeing 737 MAX" самолётлари билан рўй берган иккита катта авиаҳалокатдан сўнг ушбу компаниянинг раҳбари вазифасидан озод этилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан буён Австралиянинг бешта штатида ўрмон ёнгинларини жиловлаб бўлмагани етмагандай мамлакатта янги табиий офат таҳдид соломқда – эндиликда Сидней шаҳрининг сув таъминоти изидан чиқиши мумкин. Зеро, ҳозирда метрополисини сув билан таъминлайдиган тизим хавф остида, яъни, ёнгин беш миллион кишини сув билан таъминлайдиган катта сув омборига яқинлашиб қолди ва атрофга тарқалаётган кул ичимлик сифатини бузиб юбориши аниқ. Ушбу ҳафтадан бошлаб Янги жунубий Уэлс штатида ҳароратнинг 40 даражага етиши эса ёнгин ўчоқларини янада қўпайтириб юбориши мумкин.

ИННОВАЦИОН МУҲИМ ЛОЙИХАЛАР ИҚТИСОДИЁТНИ ЯНГИЛАШ, МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА АҲОЛИ ФАРВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

“Навоийазот” акциядорлик жамияти мамлакатимиз қишлоқ ҳужалиги, нефть-газ тармоғи, энергетика ва тоғ-кон саноатига 70 дан ортиқ турдаги маҳсулот етказиб берувчи йирик корхоналардан биридир. Юқори саноатлашган маҳсулотлар ушбу тармоқлар эҳтиёжини қоплаш билан бирга, экспортга ҳам йўналтирилмоқда. Бугунги кунда жамият таркибидаги корхоналарда қарийб 9 минг ишчи-муҳандис меҳнат қилади.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ва қувватини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш мақсадида бу ерда учта йирик инвестицион лойиҳа режалаштирилган эди.

Давлатимиз раҳбари шулардан иккитаси – аммиак ва карбамид ҳамда азот кислотаси ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини кўздан кечирди.

Биринчи лойиҳанинг умумий қиймати қарийб 1 миллиард доллар бўлиб, унинг самарасида йилга 660 минг тонна аммиак ва 580 минг тоннадан зиёд карбамид олиш имконияти яратилди. 500 га яқин иш ўрни пайдо бўлади. Корхона келаси йили ишга тушириш, йилга 136 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилган.

Япониянинг “Mitsubishi Heavy Industries” ва “Mitsubishi Corporation” компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда қурилатган янги корхонада замонавий технологиялар қўлланиши эвазига йилга 735 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди, атмосферага чиқадиган карбонат ангидрид газлари миқдори ҳам камаяди.

Президентимиз корхонанинг ишчи-муҳандислари билан суҳбатлашди. Бундай ишлаб чиқариш қувватлари мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳимлигини, юқори самарадорлиги билан қўллаб тармоқларга, халқимизга катта манфаат келтиришини таъкидлади.

“Навоийазот”да қурилатган яна бир йирик корхона – азот кислотаси ишлаб чиқариш мажмуасидир. Умумий қиймати 217 миллион долларга тенг ушбу объект Швейцариянинг “CASALE SA” компанияси билан ҳамкорликда бунёд этилмоқда. Корхона йилга 500 минг тонна маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлади. Ҳозирги кунда ускуна ва жиҳозлар ўрнатилиб, қурилиш-монтаж ишлари аяқланмоқда. Уни 2020 йил февраль ойда ишга тушириб, март ойда биринчи маҳсулот чиқарилиши режалаштирилган.

Шу тариқа 55 йил олдин қурилган, ҳар томонлама эскирган азот кислотаси цехлари фойдаланишдан чиқарилади. Энг муҳими, 1 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун электр энергияси сарфи 18 баробар камайд, ҳавони ифлослантирадиган 150 минг тонна газ тўтиб қолинади.

Давлатимиз раҳбари бу омиллар Навоий вилояти экологияси, ҳаво муҳофазатига, аҳоли саломатлиги учун гоят муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоиз, дунёда бу турдаги заводлар фақат икки давлатда – Франция ва Чехияда мавжуд. “Навоийазот”да барпо этилаётгани учинчисидир.

Мазкур объект қурилиши 2016 йил декабрь ойда бошланган эди. Ҳозирда лойиҳалаш, ускуна ва жиҳозларни олиб келиш, қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ аяқланган.

Лойиҳа доирасида соғлаш ишлари 2020 йил февраль ойда аяқланган, дастлабки маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилган. Корхона тўла қувват билан иш бошлагач, бир кеча-кундузда 1,5 минг тонна маҳсулот тайёрланади.

Мазкур корхона ҳам энг сўнгги технологиялар асосида барпо этилмоқда. Азот ишлаб чиқариш бўйича эски корхонада ўн та артегатда йилга 320 минг тонна азот кислотаси ишлаб чиқарилган бўлса, янги заводда битта артегатнинг ўзида 500 минг тонна маҳсулот тайёрланади. Бу ҳам мажмуанинг технология имкониятлари анча юқори эканидан далолатдир.

2019 йил август-сентябрь ойларида “CASALE SA” компанияси мутахассислари томонидан “Навоийазот” АЖнинг ушбу лойиҳада ишлаш учун танланган 80 нафар мутахассиси ўқитилди. 18 нафар мутахассис 2020 йил январь ойда Франциядаги шундай заводда малака оширади.

Ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий барқарорликка эришишида эркин иқтисодий зоналарнинг ўрни

катта. Бу каби зоналар аҳамияти мамлакат тараққиётининг иқтисодий, ижтимоий, демографик мезонлари билан белгиланади. Бугунги кунда мамлакатимизда “Навоий”, “Ангрен”, “Жиззах”, “Ургут”, “Гиждувон”, “Қўқон” ва “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зоналари фаолият юритмоқда.

Жаҳон стандартларига жавоб берадиган, замонавий, юқори технологияли маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида юртимизда биринчилардан бўлиб “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган эди. Бугун бу ерда Жанубий Корея, Буюк Британия, Италия, Хитой, БАА, Ҳиндистон, Сингапур, Россия давлатлари билан ҳамкорликда истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. ЭИЗ худудига жойлашган корхоналарда 100 дан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш йўлга қўйилган.

Президентимизнинг 2018 йил 5 июндаги “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолиятини кенгайтириш ва Навоий вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида инвестицияларни фаол жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, рақобатбардош янги замонавий ишлаб чиқаришлар ва кичик корхоналарни ривожлантиришнинг янги тизими яратилди. Шунингдек, уларни қўллаб-қувватлаш, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси ташкил этилган алоҳида худудларда жойлаштириш, ишлаб чиқариш соҳасида янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш механизмлари ишлаб чиқилди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2018 йил 2 март куни Навоий вилоятига ташрифи чоғида “Навоий” эркин иқтисодий зонасида истиқболдаги режалар тақдироти билан танишган эди. Тақдиротда давлатимиз раҳбарига 2017-2019 йилларда 32 лойиҳа амалга оширилиб, 1650 дан зиёд иш ўрни яратилиши, бунда электротехника, фармацевтика ва тиббий буюмлар, машинасозлик ва автомобилсозлик, қурилиш материаллари, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилгани ҳақида маълумот берилган эди.

Президентимиз жорий йил 13 март куни мазкур худудга навбатдаги ташрифи чоғида Навоий вилоятини эркин иқтисодий зонага айлантириш ташаббусини илгари сурди.

Бу галги ташрифда давлатимиз раҳбари ана шу ташаббус ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши билан қизиқди.

2019 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, иқтисодий зонада умумий қиймати 276,2 миллион долларлик 39 корхона фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида иқтисодий зонада 27 янги тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган ва улар томонидан жалб этилган инвестиция лойиҳаларининг умумий қиймати 437 миллион долларни ташкил қилади. Худуддаги тадбиркорлик субъектларининг сони эса 66 тага етди.

“Навоий” ЭИЗнинг умумий майдони 564 гектар. “Навоий” халқаро аэропорти, Е-40 автомагистрალი ва халқаро аҳамиятдаги темир йўлга яқин жойлашгани, Навоий вилоятининг мултимодал транспорт-логистика тармоғидан фойдаланиш имконияти мавжудлиги қўшимча қулайликлар яратди.

– Вилоятда иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш, янги иш ўринлари яратиш, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун барча шароит мавжуд. Иқтисодиётни ривожлантиришдаги долзарб вазифаларни амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар фаолиятини жалдлаштириш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Албатта, инвестицияларни жалб қилишда, инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратишда эркин иқтисодий зоналар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгиланган чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борада муҳим қадам бўлди.

Навоий вилоятида инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича инвестиция дастурларини амалга ошираётган

корхоналарга “Навоий” эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми берилди. Табиийки, бундай ишлаб чиқарувчилар эркин иқтисодий зона иштирокчиси учун белгиланган ҳуқуқ ва имтиёزلардан фойдаланади.

Президентга “Навоий” эркин иқтисодий зонасида истиқболда амалга оширилган янги лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари “National plast” масъулияти чекланган жамияти томонидан саноатнинг янги тармоғи ПВХдан профил ва бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш жараёни билан танишди.

Мазкур корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар қурилиш бозорига ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда. Корхонанинг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 10 минг тоннадан ортиқ. Корхонада 400 дан кўпроқ янги иш ўрни яратилди.

Президент Шавкат Мирзиёев корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар намуналарини кўздан кечирди.

– Бу каби корхоналарни қуришда биринчи навбатда сифатга эътибор қаратиш керак. Бинолари ихчам бўлса ҳам, асосан, жаҳон талабларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқариш муҳим, – деди давлатимиз раҳбари.

Асосий материал экологик тоза ва хавфсиз пластик хом ашё ҳисобланади. Барча хом ашё ресурслари Италиянинг замонавий техникалари асосида тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга оширилади. Натижада экстензия жараёни учун тайёр полимер вуждуга келади. Экструдер қурилмалари ёрдамида полимер қоришма юқори ҳароратда катта босим остида ҳайдалиб, полимер қоришмадан пластмасса ҳосил бўлади. Айни пайтда корхонада 44 экстензия линияси ишлаб турибди.

Профилларга қолип ва кабель ёрдамида шакл берилди. Ушбу маҳсулотлар юқори сифати ва турли шароитларга ўта чидамлилиги билан ажралиб туради.

Президентга корхона лойиҳасининг иккинчи босқичи ҳақида маълумот берилди. 2020 йилнинг учинчи қорасида фойдаланишга топшириладиган ушбу лойиҳа натижасида 40 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш, 10 миллион долларлик маҳсулотни эса экспорт қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, иқтисодий худудда “Green Line Profil” масъулияти чекланган жамияти фаолияти ҳам давлатимиз раҳбари эътиборида бўлди.

Корхона томонидан алюминий профил ва алюминий маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Умумий қиймати қарийб 40 миллион доллар бўлган мазкур корхона 2018 йилда ишга туширилган. 650 иш ўрни яратилган. Жорий йилда 18,6 минг тонна маҳсулот тайёрланди ва 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Янги йилдан ишлаб чиқариш ҳажминини 22 минг тоннадан ошириб, экспорт миқдорини 14 миллион долларга етказиши режалаштирилган.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДХ давлатлари, Украина, Литва, Польша, Чехия, Германия, Канада, АҚШ ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Корхонанинг алюминий эритиш цехида автоматик кўтарилувчи 15 ва 30 тонналик печлар бўлиб, уларда ўртача 700-750 даража ҳароратда эритилади. Шундан сўнг суяқ металл қуйиш столи орқали ўртача бир соатда қуйилади.

Қуйиш цехидан чиққан алюминий биллетлар (ярим тайёр маҳсулот) турли профиллар ишлаб чиқариш учун экстензия цехига йўналтирилади. Ҳозирги кунда 4000, 2000, 1000 тонналик пресслар ишлаб турибди. Ушбу технологиялар замонавий ва тежамкорлиги бўйича Марказий Осиёда ягона ҳисобланади.

Давлатимиз раҳбари мазкур корхонанинг иш жараёни, маҳсулотлар сифатини кўздан кечирди. Импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқаришни кенгайтириб, аҳолини арзон ва сифатли қурилиш материаллари билан таъминлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Навоий вилоятига ташрифи аяқланди.

**Абу Бакир ҲАМИДОВ,
Умар АСРОПОВ,
Матназар ЭЛИМУРДОВ,
Ўза махсус мухбирлари**

ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДА БАРҲАЁТ СИЙМО

Бу йил мамлакатимизда миллатимизнинг қиёфаси, табиати, борлигини борича акс эттирган, Ватанини озод кўриш истаги билан яшаган, умрини шу эзгу мақсадга бағишлаган буюк адиб, ўзбек романчилиги асосчиси Абдулла Қодирий таваллудининг 125 йиллиги кенг нишонланмоқда.



Сана муносабати билан пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида адабий-бадиий хотира кечаси бўлиб ўтди.

Тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият фидойилари, адабиёт, санъат, маданият соҳаси намояндalари, олимлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар, кенг китобхоналар иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенесбой Каримов, қодирийшунос олим Баҳодир Каримов, Абдулла Қодирийнинг невараси Хондамир Қодирий миллий адабиётимизга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, маънавият, маърифат, маданиятга, сўз санъати раванқига ҳурмат-эҳтиром билан эътибор қаратиш Президент Шавкат Мирзиёев томонидан жамият ҳаётида кечайётган ислохотларда устувор ўрин эгаллашини таъкидлади.

Куни кеча Президент Шавкат Мирзиёев пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдига барпо этилган буюк адиб номидаги ижод мактаби ва музейга ташриф буюришда, шу ерда ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар билан мулоқот чоғида ҳам бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи олдига ижод мактаби ва музей барпо этилди. Мазкур бинога “Турон” кутубхонаси ҳам жойлаштирилди. Боққа кириверишда буюк ёзувчи хайкали ўрнатилди.

Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза кўчасидаги ижодкор яшаган хонадонда Абдулла Қодирий уй-музейи очилди. Бу ерда ҳам адиб хайкали қад ростлади. Хайкалтарош Баҳром Норбоев адибнинг бир қўлда китоб тутган ҳолда ўйчан, мулоҳазабан берилган тарзда тасвирлагани унинг таъсирчанлигини янада оширган.

– Президентимиз ташаббуси билан бу ҳовли янада обод масканга айланди, – деди ёзувчининг эвараси Маҳзуна Қодирий. – Шу оиланинг кичик вақили сифатида жуда бахтиёрман. Бундай кўркам уй-музейнинг барпо этилиши, атоқли ёзувчининг таваллуд санаси кенг нишонланиши буювма Ҳабибулло Қодирийнинг, барча оила аъзоларимизнинг орзуси эди. Бунинг учун давлатимиз раҳбаридан гоят миннатдоримиз.

Уй-музей очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, таниқли адиб Хайриддин Султонов давлатимиз раҳбарининг бу эзгу ташаббуси адабиёт фидойилари, миллатимиз жонқуярлари учун гоят қувончли воқеа бўлганини алоҳида эътироф этди.

Абдулла Қодирийнинг бундан юз йиллар аввал “Биз янги даврга оёқ қўйдик. Бас, биз ҳар бир йўсунда ҳам шу янги даврнинг янгиликлар кетидан эргашамиз” деган гапи Президентимизнинг бугунги халқни ислохотларига нақадар ҳамоҳанг, долзарб эканини вақтининг ўзи очик-ойдин намоян этмоқда.

– Қодирий ижоди билан салкам чорак асрдан буён шуғулланаман, – деди тадбирда сўзга чиққан Баҳодир Каримов. – Бугунги кунда нафақат халқимиз, балки хорижликлар ҳам Қодирийнинг “Ўткан кунлар” асарини севиб мутолаа қилади. Бу роман жаҳон адабиёти дурдоналари сирасига кирувчи гоят бетакрор асардир. Қайгулар ва туйғулар романи. “Меҳробдан чаён” асари ҳақида ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Ёзувчининг асарлари тасвир жозибаси, гўзаллиги, миллий руҳи, ҳаётийлиги билан аҳамиятлидир. Жулқунбой тахаллуси билан ҳам ижод қилган устоз Ўзбек кулгу адабиётининг мактабдори эди. У қулдириб йиғлатар, йиғлатиб қулдирадир. Қодирий асарлари аллақачон дунёга чиқди. Ижодкор қолдирган маънавий мерос келахатқа ҳам хизмат қилади.

Тадбирда “Ўткан кунлар” романининг “Бахт ва бахтсизлик” боби асосида суратга олинган “Ой шувласида...” фильми намойиш этилди. Абдулла Қодирий номидаги ижод мактаби ўқувчилари шодир ҳаёти ва ижоди, унинг миллий адабиётимиз раванқига қўшган ҳиссаси ҳақида шеърлар ўқиди. Пойтахтдаги бир қатор театр жамоалари адиб асари асосида саҳналаштирилган спектакллардан лавҳалар намойиш этди. Таниқли ва ёш ижорчилар қуй-қўшиқлар айтди.

Назokat УСМОНОВА

Пойтахтимизнинг Сергели туманида барпо этилган “Ёшлар уйи”нинг рамзий қалитлари эгаларига топширилди.

ЯНГИ УЙЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар кенгашининг маҳаллий кенгашларига мурожаат қилган номзодларнинг ҳужжатлари тегишли тартибда худудий ҳамда республика комиссиялари томонидан ўрганиб чиқилиб, улар орасидан уй-жойга муҳтож бир гуруҳ ёшларга имтиёзли асосда уйлар берилиши белгиланган.

“Ёшлар уйлари” юртимиз ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган, фан, таълим, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришадиган, республика ва халқаро олимпиада, мусобақа, фестивалларда фаол қатнашаётган 168 нафар номзодга 20 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити асосида берилади.

Ушбу уйлар икки ва уч хоналардан иборат бўлиб, яшаш учун барча қулайлик билан таъминланган.

– 2011 йилдан буён телевидениеда журналист сифатида фао-

лият кўрсатаман, – деди Ўза муҳбирига Умида Ҳўжакулова. – Шу кунга қадар оиламиз билан ижара уйда яшардик. Раҳбарият меҳнатларимни эътиборга олиб, уй олиш учун ижобий тавсифнома берди. Турмуш ўртоғим билан икки фарзандни тарбиялаб, камолга етказаялмиш. Янги йил байрамини арафасида янги уйга кўчиб ўтаётганимиздан жуда хурсандим.

– Бу уйлар имтиёзли кредит асосида, бошланғич тўловларсиз берилаётгани ёш оилалар учун катта имконият бўлди, – деди Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши матбуот котиби Қаҳрамон Мауленов. – Уларнинг бошланғич 25 фоиз бадал пули, кейинчалик кредитни қайтариш муддати, яъни 20 йил давомида бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан тўлаб берилади. Бугунги кун ҳолатида жами 45,7 миллиард сўм миқдоридagi маблаг ёшлар учун тўланди.

Гулноза БОБОЕВА

ТОШКЕНТДА ТЕЗ ЁРДАМ ХИЗМАТИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Тошкент тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятида тезкорлик ва ҳаракатланиш йўналиши муҳим роль ўйнайди. Баъзан йўлга кетган қимматли дақиқалар жабрланганлар, тиббий ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳолатини оғирлаштириши мумкин.

Тез тиббий ёрдам хизмати-нинг тезкорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан “Тошкентдаги тез тиббий ёрдам фаолиятига замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини жорий этиш” лойиҳасининг биринчи босқичи ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, лойиҳани амалга ошириш доирасида пойтахт тез тиббий ёрдам хизматида замонавий тиббий ускуналар ва АКТ билан жиҳозланган 81 та тез ёрдам машинаси келтирилди. Йил охирига қадар яна 69 та ана шундай машинани етказиб бериш режалаштирилган.

Янги машиналар олдингиларидан барча параметрлари жиҳатидан афзал бўлиб, ҳам тиббий ходимлар, ҳам беморлар учун анча қулайдир. Бундан ташқари, улар замонавий видеокузатув камералари, зарур тиббий, ахборот, коммуникация ва мультимедиа технологиялари билан жиҳозланганки, бу саль-маркази билан доимий алоқани таъминлайди. Ундаги дастурлар тор доирадаги мутахассислар билан масофавий маслаҳатларни амалга ошириш ва беморнинг аҳолини ҳар сонияда назорат қилиб туриш имконини беради.

Ана шу мақсадда Тошкент тез ёрдам станциясининг саль-марказини қуриш ишлари аяқланди. Унда энг замонавий телекоммуникация ускуналари ўрнатилди. Шу билан бирга, бу ерда илк мартаба тез ёрдам машиналарини бошқаришнинг автоматлашган тизими жорий

этилди ва бугунги кунда ундан фойдаланиш бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, мазкур лойиҳа доирасида “ВеРо” дастурчилар маркази” МЧЖ томонидан тез тиббий ёрдам хизматларини бошқариш бўйича автоматлаштирилган тизим жорий этилди ва ҳозирги кунда уни амалиётда қўллайдиган ходимлар ўқитилмоқда.

Лойиҳанинг иккинчи босқичида бу борада янада кенг қўламли ишлар амалга оширилади. Масалан, Хитойнинг “Huawei” компанияси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг барча худудларида тез тиббий ёрдам хизматлари фаолиятига замонавий АКТни татбиқ этиш режалаштирилган. Лойиҳа иккинчи босқичининг умумий қиймати 15 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Роман БОНДАРЧУК